

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 49
17
АПРЕЛЬ
ШАНБА
1954 ЙИЛ
ВАХОСИ
20 ТИПИН.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий
Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг
Ўртоқ Н. С. Хрущевга табриги (1-нчи бет).
«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун»
халқаро Сталин Мукофотлари комитетида. Швед жа-
моат арбоби Андреа Андреевга Халқаро Сталин Му-
кофоти топширилиши (1-нчи бет).
Совет-Чехословакия савдо муносабатларига доир
(2-нчи бет).
ФЕЛЬЕТОН: — В. Зайнаб. — «Кув» (2-нчи бет).
МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ ЎР-
ГАНУЧИЛАРГА ЕРДАМ: — Г. Васильев. — Комму-

нистик партиянинг қишлоқ хўжалигини коллективлаш
ушун кураши (2 ва 3-нчи бетлар).
Ганимат кунлардан унумли фойдаланиб, дала иш-
ларини тез ва юқори сифатли қилиб ўтказайлик! Ш.
Кузайбоев. — Буёруқлар қозғола, ва дала оғизда...
(3-нчи бет).
КОНСУЛЬТАЦИЯ: — Н. Балашев. — Эртаги кар-
тошқадан мўл ҳосил етиштирайлик (3-нчи бет).
Корея Халқ Демократик Республикасида халқ ис-
те мол қиладиган молларни ишлаб чиқариш кўпаймоқ-
да (4-нчи бет).
Франция министрлар советининг мажлиси (4-нчи
бет).

МАЙОЛДИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Социалистик мамлакатимиз ҳаётидаги
ҳар бир тарихий воқеани, улғу байрам
кунларини янги меҳнат зафарлари билан
нишонлаш — совет кишиларининг шон-
ли традициясига айланди. Ана шу тра-
дицияга мувофиқ, бутун совет халқи на-
ба, областимиз меҳнаткашлари ҳам баҳор
байрами — 1 Майни меҳнат соҳасида янги
муваффақиятлар билан кутиб олиш учун
зўр бериб тайёрланмоқдалар. Завод ва
фабрикаларда, кўмир конларида, темир
йўл транспортда ва кўришларда, кол-
хоз, совхоз ва машина-трактор стан-
цияларида кенг миқёсда авж олиб кет-
ган Майолди социалистик мусобақаси
халқимизни янги, буюк ғалабаларга ил-
ҳомлантирмоқда, совет кишиларининг ил-
ҳомбахш ижодий меҳнатини, Коммуни-
стик партияга бениҳоят садоқатини ёрқин
намойиш қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда социалистик
мусобақа Коммунистик партиянинг доно
раҳбарлиги остида миллионларнинг чина-
кам умумхалқ ҳаракатига айланди, совет
кишиларининг кундалик ҳаётига сингиб
кетди, тараққиётининг ҳаракатга келти-
ручи, миллион-миллион меҳнаткашларни
коммунистик қурилишнинг улғувор план-
ларини бақаришга сафарбар этуви кун-
далик куч бўлиб қолди.

«Мусобақадаги энг аjoyиб нарсаси шун-
дан иборатки, — деган эди И. В. Сталин, —
у кишиларнинг меҳнатга қарашларини
тубдан ўзгартади, чунки мусобақа ў-
тмишда ҳўрлик ва оғир юк ҳисобланган
меҳнатни шонли, шарафли ишга, на-
марлик ва қаҳрамонлик ишга айланти-
ради. Бундай аҳвол капиталистик мамла-
катларда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин
эмас».

Социалистик мусобақа ҳақидаги ленин-
ска-сталинча идеялар меҳнаткашлар ома-
сини илҳомбахш ғайрат ва ташаббус
билан қуроллантирди, бу идеялар гоҳ
катта моддий кучга, коммунизм учун ку-
рашда партия ва совет халқининг қўли-
да кудратли қуролга айланди. Облас-
тимиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети
сайлови шарафига бошланган социалис-
тик мусобақада эришган ютуқларини
мустаҳкамлаб, мусобақа байрогини ба-
ланд кўтарган ҳолда ўз анималарига янги
маънубийрат олиб ишламоқдалар. Тош-
кент машинасозлари, Бекобод метал-
лурғилари, Чирчиқ химиклари, Охангарон
кўзайчилари, Янгйўл тинччилари, Пар-
кент галлакорлари ва бутун шонли па-
хтакорларимиз Майолди социалистик му-
собақасига қўшилиб, янгида-янги муваф-
фақиятларга эришмоқдалар. Москва ша-
ҳар ва Москва областидagi илгор савод
корхоналари, колхозларининг меҳнат
унумини янада ошириш учун социалистик
мусобақани кенгайтириш ҳақидаги маъ-
тубий ишчилар ва колхозчи деҳқонлар-
нинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғай-
ратини мисли қўрилмаган даражада оши-
риб юборди. Улар москвалар ташаббу-
сига қўшилиб, меҳнат унумини ошириш-
нинг янги йўллариин қидириб топмоқда-
лар.

Сталин номидagi Тошкент тўқимчи-
лик комбинатининг коллективни моска-
лиларнинг қаҳригига жавобан йиллик
ишлабчиқариш планини муддатидан ил-
гари бақариш ва меҳнат унумини янада
ошириш учун мусобақани кучайтириб
юборди. Коллектив илти ўтган йилдаги
қисбатан 55 процент ва ишга шот-
лотини 40 процент кўп тайёрлаб маж-
буриятини олди. Комбинатнинг 2-нчи йи-
гирув-тўқува фабрикасида меҳнат унуми-
ни ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чи-
қариш 1953 йилдаги нисбатан 2 про-
цент кўпайди. Шунинг натижасида ўтган
3 ой ичда қўшма равишда 300 миң
метр янги газлама тўқилди. 2-нчи фаб-
риканин ишчилари ва мутахассислари
ўз ишкорликларини ҳисоблаб чиқиб, маъ-
нат унумини янада ошириш ҳисобига
йил охиригача қўшма равишда 800
миң метр ип-газлама ва ишга шот газла-
ма, 100 тонна ип тайёрлаб беришга қар-
дор қилдилар.

Социалистик қишлоқ хўжалигининг
меҳнаткашлари ҳам баҳор байрами — 1
Майни янги ғалабалар билан нишонлади.
Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик вистама-
сига қатнашини ҳўнқўни олиш учун му-
собақалашмоқдалар.

Янгйўл районидagi Ворошилов номи
колхозининг ўртоқ ўнрабдор бошлиқ
бригадасида, «3-нчи Далавларин» солхо-
нин Марасулев, Қоровулов ва Сафа-
ров ўртоқлар бошлиқ бригадалари устак-
наларида дастлабки кунларда экиланган

«КОМЕДИ ФРАНСЕЗ» ТЕАТРИ ТОМОНИДАН Ж. Б. МОЛЬЕРНИНГ «ДВОРЯН БУЛИБ ОЛГАН МЕШЧАН» КОМЕДИЯ-БАЛЕТНИНГ СЎНГГИ КЎРСАТИЛИШИ

15 апрельда Евг. Вахтангов номидagi театрда «Комеди Франсез» театри
ижросида Ж. Б. Мольернинг «Дворян бўлиб олган мешчан» комедия-балети
сўнгги марта кўрсатилди.

Улғу француз драматургининг аjoyиб асари тамошабинлар томонидан сам-
мий кутиб олинди. Тамошабинлар Франциядаги энг кеска миллий театр саҳна
сан'аткорларининг ўз роляларини жўш қиллик билан ижро этганликлариини қўзғи-
нарсақ чақиб кутиб олдилар. Спектакль тамом бўлганидан кейин тамошабинлар
француз театр сан'атининг отқили намойишлари шарафига узоқ нарсак чалдилар.

Артистлардан Л. Сеиье, Б. Бретти, Ж. Мейер, Ж. Рур, М. Эсканд, М. Булз,
М. Сабуров ва Ж. Пьерлар тамошабинларнинг ойларида айниқса сазовор бўлди-
лар. Артистлардан Ж. Шарон, Р. Манюэль, Ж. Шапара, Р. Анри, Л. Эймон,
А. Роллан, Ж. Л. Жемма, Ж. П. Руссийонлар ўз роляларини муваффақият билан
ижро этдилар. Режиссёр Ж. Мейер эса узоқ саёланганидан спектакль яратган,
рассом С. Лаликовнинг саҳнани қўрайлик қилиб безатган. Балетмейстер Л. Май
томонидан қўйилган рақслар жўда қизиқарлиқди. Оркестр дирижёр А. Жюлье
бошқаришда махшур француз композитори Люллис ёзган музикани яхши ижро
этиди. Спектакльда совет ашулчилари, оркестр, хор ва балет артистлари ҳам
қатнашдилар.

Спектакльда Г. М. Маленков, В. М. Молотов, Н. С. Хрущев, К. Е. Воро-
шилов, Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, А. И. Микоян, М. Г. Первухин,
П. Н. Поспелов ўртоқлар ҳозир бўлдилар. Театрда Франциянинг СССРдаги Фар-
ғулудда ва Мухтор элчиси Л. Жоис ҳозир бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида»ги доклади ўзбек тилида нашр этилди.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти
Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг КПСС МК
февраль-март пленумида «Мамлакатда
ғалла етиштиришни янада кўпайтириш
тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни

ерларда қигит униб чиқабошлади. Брига-
да а'золари социалистик мусобақани қу-
чайтириб, барча майдонларда қигитни
биртекис, хатосиз ва соғлом унд'риб
олиш учун курашмоқдалар.

Маҳаллий партия, совет, касаба со'юз
ва комсомол ташкилотларининг вази-
фаси — Майолди социалистик мусобақаси-
ни тобора ривожлантириб, уни чинакам
оммавий ҳаракатга айлантиришдан, ҳа-
меҳнаткашлар омасининг ижодий ғайрат
ва ташаббусини ҳартарафлама қўлла-
қувватлашдан иборат. Ютуқлар олдида
ўзини йўқотиб қўйиш, мағрурлини,
кибрланиб, хотиржамликка берилиб ке-
тиш совет кишиларига ёт нарсасидир. Биз
эришилган ютуқлар билан қаноатланиб,
хотиржам бўлиб қолмаслигимиз, соци-
алистик мусобақа байрогини балаид кў-
тариб, меҳнат унумини ошириш, Ватанимиз
кудратини янада мустаҳкамлаш учун ҳор-
май-толмай ишлашимиз керак.


Оммадаги меҳнат ғайратига ва ташаб-
бусини оширишнинг бирдан-бир йўли —
социалистик мусобақадир. Омманинг та-
шаббусини қўллаб-қувватлаш эса — та-
нқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартарафлама
ривожлантириш, камчиликларини ўз вақ-
тида очиб ташлаш ва туғатиш, барча
уштакларда ишнинг яхшиланишига ва
юксалишига эришиш демокдир. Бу маса-
лага э'тибор бермасдан туриб, социалис-
тик мусобақанинг муҳим шартин бўлган
энг яхшиларга тенглашиш ва илгорлар-
дан ўрганиш принципини амал қилмасдан
туриб, мусобақани камчиликларимизни
очадиган ва бу камчиликларини йўқотиш-
га ёрдам берадиган танқид ва ўз-ўзини
танқид асосида олиб бормасдан туриб
ишда ижодий муваффақиятларга эришиб
бўлмайди. Партия ташкилотлари соци-
алистик мусобақа тобора кўпроқ оммавий
тус олаётган ҳозирги пайтда бунга яхши
англаб олишлари, мусобақага кун сайин
раҳбарлик қилиб, ба'айиб саноат корх-
оналарида ҳали ҳам ҳўм сураётган юза-
кичилик, ҳайбаракалчилик ва социалис-
тик мусобақа ҳақида шовири-сурон кў-
тариш кайфиятларига қарши кескин зарба
беришлари керак.

Чирчиқ обнасоалик заводининг партия
ташкilotи (секретари Ўртоқ Брилевский)
социалистик мусобақага юзани ва бирёқ-
лама раҳбарлик қилмоқда. Заводдаги ил-
гор ишчиларининг иш тақрибларида омма-
лаштирилмайдиган. Ишчилар ўртасида ў-
заро социалистик мусобақа ривожланти-
рилмаган, меҳнат унумини ошириш учун
тегишли шартин яратиб берилмаган. Шу-
нинг учун ҳам бу завод қолонлиқдан қў-
ймайди.

Социалистик мусобақа ҳақида ҳархил
қарорлар, формулалар чиқариб, шовири-
сурон кўтариб юрадиган, амалда эса ер
қайдаш ва қигит екишни неқияртган
айрим район, колхоз, совхоз ва МТСлар
борлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ма-
салан, Юкориичирчиқ, Пискент, Ўртачир-
чиқ ва Охангарон районларидаги қўш-
лик колхозларда ана шундай аҳвол эс
бермоқда. Бу районларнинг партия таш-
килотлари социалистик мусобақанинг та-
сирини янги учун етарли кураш олиб бор-
маётганлар.

Партия ташкилотлари социалистик му-
собақани уштиришдаги юзаккичилик ва
бюрократик қўриқчиларига ҳотима бе-
риб, мусобақанинг та'сирчан бўлиши ва
конкретлиги учун қат'ий кураш олиб бо-
ришлари, мусобақанинг бутун кучи ва та-
сирини асосий масалага — меҳнат унуми-
ни тинмай оширишга, маҳсулот сифатини
яхшилаш ва таннархини камайтиришга,
қўшма равишда ишларининг сур'атини
кескин равишда кучайтириб юборишга
қаратишлари керак. Мусобақа қўриқчи-
ларининг илгор иш методларини кенг
оммалаштиришга алоҳида э'тибор бериш,
мусобақа шартномаларини тузатишда ҳар-
қандай расмийчилик ва шаблончиликка
йўл қўймаслик лозим. Олинтан социалис-
тик маъбуриятларининг бақарилишини
доимо текшириб бориш, бу маъбуриятни
бақаришда мусобақа қўриқчиларга амалий
ёрдам бериш, ҳарбир совет кишисида ян-
ги ғайрат ва ташаббус уйғотиш — пар-
тия ташкилотларимизнинг муҳим вазифа-
сидир.

Социалистик мусобақани тобора қу-
чайтириб, бутун дун'е меҳнаткашларини
қўшаморлик кунга, барча мамлакат-
лардаги ишчиларнинг қардошлиқ кунга
бўлган 1 Майни янги меҳнат ғалабалари
билан кутиб олайлик!



Ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий
Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Лениннинг
содиқ шоғирди ва Сталиннинг сафдоши, Коммунистик партия
ва Совет давлатининг отқили арбоби, ишчилар синфининг шон-
ли фарзанди бўлган Сизни олтимиш ёшга тўлган кунингизда
қизгин табриқлайдилар.

Сиз ўзингизнинг бутун ҳаётингизни коммунизм ишга ба-
ғишлагингиз. Коммунистик партия-ва совет халқи Сизнинг
коммунизм иши учун курашдаги хизматларингизни юксак да-
ражада қадрлайдилар.

Гражданлар урушининг оғир даврида, тинч социалис-
тик қурилиш шароитида, Улғу Ватан урушининг оғир йиллари-
да ва эндиликда, мамлакатимизда коммунистик жамяят қуриш
учун кураш олиб бориладиган тинч даврда — Сиз партия ва
давлат ишларининг ҳамма вазифаларида ўзингизга хос чарча-
мас ғайрат, бардамлик ва принципиаллик билан хизмат қилиб,
бутун кунингизни совет халқининг улғу ғалабаларини қўлга
киртиши учун унинг фаровонлигини ошириш, коммунизмни
барпо қилиш учун сарф этмоқдасиз.

Сизга, дўстимиз ва ўртоғимиз азиз Никита Сергеевичга, со-
вет халқи ва Ватанимизнинг бахт-саодати учун, коммунизм бах-
ти-саодати учун соғ-саломат бўлиб, яна узоқ-узоқ йиллар сама-
рали ишлар қилишингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ Ўртоқ Н. С. Хрущевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Совет-Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрущев туғилган кунининг олтимиш йил-
лиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва совет халқи
сидигаги жўда катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Никита Сергеевич
Хрущевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилсин ҳамда Ленин
ордени, «Уроқ ва Болга» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 16 апрель.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА (КОЛХОЗЛАР БЎИЧИ) ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

М А Ў Л У М О Т

(процент ҳисоби билан)

Районларнинг номи	Планинг бақарилиши	Бир кунлик ўсми	Районларнинг номи	Планинг бақарилиши	Бир кунлик ўсми
Сирдар'е	55,4	6,6	Оржоникизде	31,1	8,6
Чиноз	48,1	6,1	Мирзачўда	27,0	3,1
Гулнотон	48,1	7,1	Бўка	23,1	6,1
Калинин	47,2	8,2	Ўртасарой	22,2	5,3
Оққўрғон	42,8	7,9	Ўртачирчиқ	21,4	6,6
Ховос	41,0	5,4	Пискент	15,2	3,2
Янгйўл	38,1	6,3	Юкориичирчиқ	12,5	4,3
Верхне-волинск	36,1	5,4	Охангарон	6,5	2,7
Октябрь	35,7	5,3	Область колхозлари бўйича:	32,5	5,8
Бекобод	32,1	5,5			

„Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ халқаро Сталин мукофотлари комитетида

Швед жамоат арбоби Андреа Андреевга халқаро Сталин мукофоти топширилди

Швеция Сўл хотин-қизлар союзининг
раиси, Халқаро демократик хотин-қизлар
федерациясининг вице-раиси, медицина
доктори, тинчлик учун актив курашчи
Андреа Андреевга 15 апрельда «Халқ-
лар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш
учун» халқаро Сталин мукофоти топши-
рилди.

Кремльнинг Свердлов зали. Кундуз
соат 2 да бу ерга тинчликни ҳимоя қи-
лучи Совет комитетининг, тинчликни
ҳимоя қилучи Москва область комитети-
нинг а'золари, совет хотин-қизлари ва
ишлари Антифашист комитетларининг,
касаба союзларининг вакиллари тўпла-
дилар. Булар орасида ёзувчилар, совет
маданияти арбоблари, ўз ҳамкасбларини
табриқлаш учун келган медицина ходи-
млари бор. Залда совет матбуотининг қў-
ғина вакиллари ҳам бор.

Халқаро Сталин мукофоти лауреати
доктор Андреа Андреев, халқаро Сталин
мукофоти Комитетининг раиси акаде-
мик Д. В. Скобелевнинг, тинчликни ҳимоя
қилучи Совет комитетининг раиси ёзуви
Н. С. Тихонов, совет хотин-қизлари Анти-
фашист комитетининг раиси Н. В. Попо-
ва залга кириб келадилар. Йигилганлар
тинчликни ҳимоя қилучи халқаро ҳар-
катининг отқили арбоби, тинчлик ва халқ-
лар ўртасида ҳамжиҳатлик учун фидою-
рона курашган Андреа Андреевнинг тулдур-
ос қарсақлар билан табриқлайдилар.

Комитетнинг 1953 йил 12 декабрда
чиқарган қарори ўқиб эшитдирилди. Шу
қарорда доктор Андреа Андреевга
«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳ-
камлаш учун» халқаро Сталин мукофоти
берилган. Доктор Андреевга мукофот
топиришдан олдин академик Д. В. Ско-
белевнинг қисқача нутқи бўлаб, буюк дав-
латлар ўртасида музокаралар олиб бо-
риш, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш,
атом қуролни тақдирлаш ҳаракати бутун
дун'е халқлари орасида янги куч билан
авж олиб бораётган бир пайтда Андреа
Андреевга мукофот топшириладиганли-
гини айтди. «Илгор инсоният бутун
дун'еда мустаҳкам ва узоқ муддатли
тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлгани-
да, — дейди академик Скобелевнинг, —
мана шу улғувор мақсадлар учун ўз ку-
чини аямал курашганларнинг номларини
эсга олиб, уларга ташаккур айтди. Шулар
қаторида доктор Андреа Андреевнинг
номи ҳам ҳақли равишда тилга олинанди».

Академик Скобелевнинг халқаро Сталин
мукофоти лауреати дипломини ва олтин
медалини мақлислашларининг гулдурас
ва давомли қарсақлари остида доктор
Андреа Андреевга топширади.

Ёзуви Н. С. Тихонов тинчликни ҳи-
моя қилучи Совет Комитети номидан
сўзга чиқиб, доктор Андреевни юксак
мукофот билан қизгин табриқлайди.
Н. В. Попова лауреатни совет хотин-қиз-
лари номидан табриқлаб, унинг халқаро
хотин-қизлар ҳаракатидаги фаоллигини
самимий сўзлар билан таъсирлаб беради.
Медицина фанлари доктори М. С. Заха-
рова (Гамалея номидаги эпидемиология
ва микробиология институтини) доктор
Андреа Андреевни врачлар ва совет ме-
дицина фани ходимлари номидан қутлай-
ди. «Буреветник» фабрикасининг бичи-
чиси, Сталин мукофоти лауреати М. И.
Левченко совет йигитлари ва қизлари
номидан лауреатга мурожаат қилиб, унга
табрик сўзларини айтди.

Швециядаги тинчлик тарафдорлари ҳар-
акатининг ва демократик хотин-қизлар
ҳаракатининг актив арбоби Ева Пальмер
хоним сўзга чиқди. У юксак муносабат
сазавор бўлган ўз ватандошларининг хизмат-
ларини самимий сўзлар билан таъсирлаб бе-
ради. «Швеция деярлик 150 йилдан бе-
ри тинч яшашдан катта бахтга сазовор
бўлган, — дейди Пальмер хоним. — Бу
— фанулодда бир ҳолатдирки, бу нарсаси
бизни тинчлик сиёсатини активлик билан
ўтказишга мажбур қилади... Швециядаги
барча тинчликсевар кучларни бирлашти-
ришга интилаётганимизда янча қийинчи-
ликларга учрамоқдамиз. Биз мана шу
кунларда ҳам водороб бомба ҳафтига ту-
ли маслакдаги кишиларнинг, шулар ораси-
да аввало социал-демократларнинг ҳам
қай тахлитда қарашталликлариини қўриб
турибмиз. Стокгольм Хитобномаси —
мана шу бутун дун'ега махшур Хитобно-
ма бизнинг мамлакатимиз пойтахтининг
номи билан юритилмоқда, пойтахти шундай
жўда муносабат бўлган бизнинг мамлака-
тимизда ҳозир янги шомол эсаябди. Бу
шомол бизни янги тинчлик соҳибага
олиб келиши ва халқлария уруш ҳамда
қашшоқликнинг доими таҳликасидадан ҳал-
ос қилиши мумкин».

Мен қаттиқ инсонаман, — дейди
правадига Ева Пальмер хоним, — уруш-
га ва ўлимга қарши курашда, тинчлик
учун, ҳаёт учун курашда энгиб чиқа-
миш».

Раислик қилучи Нью-Йоркдан халқаро
Сталин мукофоти лауреати Говард Фаст-
нинг доктор Андреа Андреев номига
юборган табрик телеграммасини ўқиб
эшитдилади.

Йигилганлар томонидан самимий кут-
иб олинган Халқаро Сталин мукофоти
лауреати доктор Андреа Андреев жавоб
нутқи сўзлайди.

Андреа Андреев нутқи

Раис жаноблари, азиз дўстлар!

Бу ерда ҳамма ишлар кенг миқёсда
олиб боришмоқда. Совет Иттифоқи —
гоҳат улкан мамлакат; Москва — жўда
катта шаҳар; бу зал ҳам катта; сизлар-
нинг дўстлик меҳрингиз чексиздир; мен-
га кўрсатилган жўда катта ҳурматининг
олдида мен ўзини жўда кичкина деб
ҳис қиламан!

Менинг биргина хизматим шуки,
мен қўлдан бери, ҳарҳолда чорак асрдан
бери урушга қарши курашиб келмоқда-
ман. Янгида мен тасодифий равишда то-
пиб олган хат ҳам бунга далилдир. Мен
бу хатни 1928 йилда Қизил Крест Бош
Бошқармасининг раисига ёзган эдим.
Биз вақтда мен шу Бош Бошқарманинг
а'зоси эдим. Ўша хатда мен, Қизил Крест
газ урушдан граждандарларни мулоффа қи-
лишни ташвиш эттиш билан қаноатланиш
мумкин эмас, деб ёзган эканман. Мутла-
қо равишларини, деб ёзган эдим. Ўша
хатда, хийяла ва бактериология қуроли
уруш вақтида қўлланилади. Шу сабабли
уруш инсониятга ўлим таҳликасини келти-
ради, шунинг учун ҳам бу урушга қар-
ши кураш олиб боришимиз лозим.

Бу — колхоз 20 миллионга яқин на бағаларни қашпоқликдан ва хоналар ронлиқдан сақлаб қолди, нулоқлар асортидан озод қилди ва уларни таъминлаган кишиларга айлантирди, дамандир.

Социалистик асосларда қурилган, илгор техника билан қурулган колхозлар қишқа вақт ичда Уларнинг буюк ишчилини ва ҳаётлигини, янги, совет жам

ПОЛЬШАДАГИ ТЕПЛО-ЭЛЕКТРОЦЕНТРАЛЬ ҚУРИЛИШИДА

ВАРШАВА, 15 апрель. (ТАСС). Варшаванинг ченасида бундан 2,5 йилча муқаддам Польшада биринчи Жерань теплоэлектростанцияси қуриш бошланган эди. Бу — олти йиллик планнинг энг муҳим қурилишларидан бири эди. Ҳозир шу жойда бош корус, шунингдек теплоэлектростанциянинг ёрдамчи бинолари қурилиб боради. Қурилиб битган биноларда ҳозирги вақтда монтаж ишлари аяқ оляб кетди.

Жерань теплоэлектростанцияси совет проекти бўлиб қуришмоқда ва совет устуналари билан таъминланади. Жерань теплоэлектростанциясининг биринчи навбатдаги қисми шу йил қурилиб бўлади.

Корея Халқ-Демократик Республикасида халқ исте'мол қиладиган молларни ишлаб чиқариш кўпаймоқда

ПХЕНЬЯН, 15 апрель. (ТАСС). Корея Марказий тежеграф агентлиги хабар беради: Мамакатда халқ исте'мол қиладиган молларни ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Корея Халқ Демократик Республикаси энгил саноат министрининг негисте'мол моллари ишлаб чиқаруши корхоналари шу йилнинг биринчи чиратида да маҳсулотни ўтган йилнинг ўртача даражасига қараганда 40 процент ортиқ ишлаб чиқарилди. Шимолдаги Пхеньян вилоятининг Ненбон шахридаги шой фабрикасининг меҳнаткашлари ҳозирги вақтда меҳнат унумини ўтган йилнинг охиридагига қараганда 50 процент оширдилар ва маҳсулот сифатини анча яхшилашга муваффақ бўйдилар. Ўн ўн йил раҳбарлигидаги резина поёфзал заводидаги ходимлари меҳнат унумини 30 процентдан андироқ оширдилар.

Чехословакияда соғлиқни сақлаш ишларининг муваффақиятлари

ПРАГА, 15 апрель. (ТАСС). Маданият министрлиги Прагада «Халқ ўлимий оғиди» деган тезда катта оммабоп иллий выставка оиди. Бу выставкада Чехословакия ва СССРдаги соғлиқни сақлаш ишларининг муваффақиятлари акс этдирилган, отиқли мединларнинг асарлари кўргазмага қўйилган, халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши кўрсатишган.

Чехословакияда биринчи беш йиллик даврида касалхоналар ва санитарияларда яна 28 минг кишилик жой очилган.

Ҳозир мамлакатда олабаст аҳамиятга эга бўлган 408 та касалхона, 1831 та район поликлиникаси, 1532 та медицина пункти, ҳамда хотинлар ва болалар учун 3058 та консултация бор. Бундан ташқари, бевосита корхоналарнинг ўзидан 633 та поликлиника ва 1036 та медицина пункти очилган.

Виставкада Чехословакия заводларида ишлаб чиқарилган энг янги медицина ускуналари ҳам кўргазмага қўйилган.

Болгария Добруджаси тараққий қилмоқда

СОФИЯ, 15 апрель. (ТАСС). Добруджа ўлкасида қишлоқ ҳўжалигини, сув таъминотини ва электрлаштиришни ривожлантириш тўғрисида Болгария министрлар совети ва Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети қарор қабул қилганига неча уч йил бўлди. Илгари бу ўлканинг унумдор ерлари гармоселлардан ва сувсизлашган кўп шикастланган эди. Добруджадаги манзилгоҳ жойларга етарли миқдорда ичимлик сув бўлмас эди. Деҳқонлар олиқ жойлардаги қудуқлардан сув ташиб келтиришга мажбур эдилар. Қўрғоқчилик натижасида Добруджанинг қўрғоқчилик ерлари қарраб қилиб кетар эди.

Эндиликда Толбухин, Балчик, Каварна, Тервел шаҳарларининг ҳамда 37 йиллиқнинг аҳолиси яхши ичимлик сув билан таъминланган. Бу йил манзилгоҳ жойлардан яна 114 таси сув билан таъминланди. Гармоселлар қарши курашмоқ учун ихота ўрмонлари ташкил қилинди. Фақат уч йилнинг ўзиде 72 минг декар ерга ихота дарактлари ўтказилди ва 35 минг декар ерда ўрмонзор вужудга келтирилди. Добруджа қўлида бирнеча сугорчи каналлари қурилди.

Болгарияда халқ ҳўжиятини ўрнатилгандан бери Добруджада 170 тадан кўпроқ қишлоқ электрлаштирилди. Бу йил яна 64 қишлоқ электрлаштирилди. Добруджадаги ер майдонининг 72 процентида ер тузиш ишлари ўтказилди. 1954 йилда дала ишлари 78 процент машиналаштирилди.

Добруджа ўлкаси Болгариянинг асосий галла басисига айланди.

Совет киноси арбобларининг Париждаги тамошабинлар билан учрашуви

ПАРИЖ, 15 апрель. (ТАСС). Кеча «Франция—СССР» уюмчаси СССР халқ артистлари Г. Александров ва Л. Орлов билан Париждаги тамошабинларининг учрашуви ташкил қилди. Кинорежисер Г. Александров СССРда кинонинг ривожланиши тўғрисида гапириб берди. «Вроеносец Потемкин», «Шўх йилгилар», «Волга-Волга», «Элибада учрашув», «Глинка» кино фильмларидан парчалар кўрсатилди. Шу фильмлар кўрсатилган вақтда тамошабинлар кайта-кайта қарасан чалдилар.

Л. Орлова машҳур совет кинофильмларидаги ашуларини айтиб берди. Тамошабинлар совет кино сан'ати вакиллари самимий табриқладилар.

Совет спортчилари Ливанга келди

ВАЙРУТ, 15 апрель. (ТАСС). Ливанга келган совет оғир атлетикачилари командиаси Вайрутдаги «Пале до спор» спорт шаҳарчасида 17 апрельда Ливан спортчилари билан ўртоқларча учрашув ўтказадилар. 18 апрельда совет спортчиларининг кўрсатмалли чиқишлари бўлади.

Ливан жамоатчилиги биринчи совет спорте делегациясини Ливанга келишига катта эътибор бермоқда. Ливан тазе-тарларининг деярлик ҳаммасида совет спортчиларининг суратлари ва улар тўғрисида хабарлар босилиб чинди.

Франция министрлар советининг мажлиси

ПАРИЖ, 15 апрель. (ТАСС). Бугун эрталаб Франция министрлар советининг республика президенти Рене Котти раислиги остида мажлиси бўлиб ўтди. Шу мажлисда «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани парламентда муҳомада қилиш кўниги белгилаш масаласи муҳомада этилди.

Ма'лумки, «Европа мудофаа бирлашмаси»ни тузиш планларида Франциядаги жамоатчиликнинг жуда кенг табақалари шу қадар кескин қаршилик кўрсатмоқдаларки, Вашингтондан сўр бериб таъйин қилинганга қарамий, бу шартноманинг парламент томонидан ратификация қилини ханузгача жуда гумоили бўлиб турибди.

Англиянинг «Европа мудофаа бирлашмасида» ҳамкорлик қилини тўғрисидаги битимнинг яқинда имзолашганини шартномани ратификация қилини тезлаштириш йўлидаги уринишлардан бири бўлди. Шартномани ратификация қилиш тарафдорлари бу битимни Францияга «Англия томонидан берилган гарант» деб кўрсатишга уриндилар. Броқ, ҳақиқатда бу битим Англиянинг устига ҳечқандай муҳим мажбуриятлар қўймайди. Бу битимнинг мажбуриятини шундан ҳам билмиш мумкинки, «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳали амалга ошгани йўқ ва унинг умуман амалга ошиши ҳам ма'лум эмас. Мана шу амалга ошмаган ташкилот номинан битимни шу ташкилотни тузиш планиде иштирок қилаётган олти мамлакатнинг вакиллари имзоладилар. «Номба» газетаси бу тўғрисида маълумотлар Англия билан «Европа мудофаа бирлашмаси» ўртасидаги «ассоциация»нинг шакли Миллат мажлиси томонидан алгари

сурилган таллабларга асло тўғри келмаётди, ваҳоланки Миллат мажлиси шундай ассоциацияни шартноманинг ратификация қилиш шартларидан бири деб белгилаган эди» деб ёзди.

Францияда ана шундай янги таъйин қилинганлиги натижасида ҳукумат а'золари ўртасидаги ихтилоф шу қадар кескинлашиб кетдики, Парик газеталари бунинг ортидада ҳукумат кризисни бўлиши мумкин, деб ёздилар.

Броқ, бугун ҳукумат энг бериш йўли билан бундай кризиснинг олдини олишга муваффақ бўлди. Министрлар совети парламент группаларининг раисларидан «Англия ва Америка гарантлари масаласи, Саар тўғрисидаги битим масаласи, ишчи-мечта протокколлар масаласи, Бонн ва Парик шартномалари масаласи ҳақида дарҳол музокаралар очин чораларини кўриш» учун 18 майда кўшма мажлис ўтказишларини сўрашга қарор қилди.

Демак аввало «дастлабик шартлар» деб аталучи шартларнинг баъзариллиги масаласи муҳомада қилиниши лозим, чунки француз парламентидаги кўпчилик ҳукумат тарафдори бўлган кўпчилик шартноманинг ратификация қилиниши учун шундай «дастлабик шартлар» қўйилиши талаб қилган эди.

Министрлар советининг энг бериб чикарган бу қарори кризиснинг олдини олган бўлса ҳам, лекин ихтилофларини йўқотолмади. Франс Пресс агентлигининг обворчиси Морис Фабри бундай деб ёзди: «Европа мудофаа бирлашмаси тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш проблемаси кун тартибиде турар экан, ҳукумат ҳам ошкор бўлмаган кризис ҳолатида тураверади».

ПОКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ АМЕРИКА ЭЛЧИСИНИНГ ЧАҚИРИБ ОЛИНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

КАРАЧИ, 15 апрель. (ТАСС). Яқинда Американинг Покистондаги элчиси Хилд-ретт ҳамма қибул қилган дипломатик нормалари сра жисмасида, Покистоннинг ички ишлари оғиди оғиди-оғиди аралашди. Пешаварда матбуот вакилларига бейёот бериб, Шарий Покистон йўлини чиқариш мажлисида бўлган саяёлда бирлашган фронтнинг талаба йўналишига «Федерал ҳукуматга таъсир қилаётмайд» деди. Хилд-реттнинг бу бейёоти Покистон жамоатчилигини даргазоб қилди. Турли сийосат партиялари ва ташкилотларнинг вакиллари Хилд-реттнинг чакриб олиниши талаб қилмоқдалар. Ғарби-Шимолдаги чегара вилоятида «Жинна номли Халқ муслмон иттифоқи» раиси ланд-

хорли Ғулум Мухаммадхон 14 апрельда Пешаварда қилган баёнотида АҚШ «Покистонга ўз ҳарбий ёрдамини беришдан олдин» «Покистоннинг ишларини оғиди-оғиди аралашмоқда»... деди. Шарий Покистонда бўлган оммавий иттифода «Озод Покистон» партияси Лакхордаги ташкилий комитетининг мажлисида ҳам Хилд-реттнинг чакриб олиниши талаб қилган резолюциялар қабул қилинган.

«Озод Покистон» партиясининг раҳбари Миён Ифтихоруддин 12 апрельда парламентда нутқ сўзлаб, «Америка элчиси мамлакатни ҳаётар қилди» деди, ҳамда Хилд-реттнинг Покистондан чакриб олинишини тазаб қилди.

ШАРҚИ-ЖАНУБИЙ ОСИЕДА ҲАРБИЙ ИТТИФОҚ ТУЗИШ ПЛАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БИВЕННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 15 апрель. (ТАСС). Ҳаффада «Трибун» газетаси 14 апрельда лейборист Эмюринг Бивеннинг маълумасини босиб чикарди. Бивен ўз маълумасида Англияни муқаллафланган Шарқи-Жанубий Осиё ҳарбий иттифоқида қатнашмаслига даъват қилди. Бивен Англия билан Америка ўртасидаги муносабатларнинг характерини таниқиб қилиб, АҚШ Англияга нисбатан доимо «дўш қилиш» усулини ишлатиб келмоқда, дейди. «Эндиликда Вашингтондан шундай деб дўш қилинаётини, — деб ёзди Бивен, — агар биз Вашингтоннинг ноғарасига ўйнамасик, кредитор бизга пул беришни тўхтаб қўйиб экан».

Даллес томонидан таъкиф этилаётган Шарқи-Жанубий Осиё ҳарбий иттифоқи, деб давом этдиради ўз сўзини Бивен, «асло урушининг олдини оладиган қурол

сифатида ўйлаб чиқарилган эмас... Ҳарбий ҳаф тўғрисидаги сўзлар фақат нўрб хизматини ўтайди. Бизни шундай иттифоққа қўшилишга таъкиф қилаётдиларки, бу иттифоқнинг мақсади тинчликни сақлаш эмас, балки сийёси ва ижтимоий прогрессга қарши курашда таянч вужудга келтиришдир. Мустамакачи ма'мурлар ёки қора ғурух реакция ана шундай сийёси ва ижтимоий прогрессга тўсқинлик қилиб келаятган жойларда кураш борган сари революцион ҳаракатер олмақда. Ана шу вақтда бизга воқияларнинг бу хилда ривожланишига «коммунистик агрессия»га қаршилик қўриштириш бажонаси билан тўсқинлик қилиниши таъкиф этилмоқдалар. Бу эски ашула, бундай эски ашулаларни тушуниб оладиган пайт келди».

ВЬЕТНАМДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ШАНХАЙ, 15 апрель. (ТАСС). Вьетнам инфомация агентлиги Джен-Бен-Фу учун бўлаётган жангларнинг бориши ҳақида Вьетнам Халқ армияси (ВХА) олти қўмондонлигининг ахборотини билдириди.

Ахборотда бундай дейилди: Джен-Бен-Фуга қилинган ҳужумнинг ва 3 апрельда тамом бўлган ҳужумнинг яқинки етатида Вьетнам Халқ армияси душман муҳофазасининг олтига таянч пунктни яқсон қилди.

Тула бўлмаган ма'лумотларга кўра, ВХА Джен-Бен-Фуга қилинган икки ҳужум вақтида душман солдатлари ва офицерлардан 5000 кишини сафдан чиқарган, бу эса қўришб олинган қал'адаги ҳамма француз кўшиларининг беиздан икки қисминини ташкил этади. ВХА исқисларини душманининг 50 самолёти, 18 танк ва 5 та америка танкини яқсон қилди, ёнлиги ва ўқ-дори сақланган 7 та омборга ўт қўйилди, кўп миқдорда қўрол-яроғ ва ўқ-дори қўлга туширилди.

Вьетнам инфомация агентлигининг хабар беришича, Вьетнам Халқ армияси

Америка генерали Ҳинди-Хитойга келди

ПАРИЖ, 15 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Сайгондан олиқ хабар беради: АҚШнинг Уэон шарқдаги ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони Эри Патрик 14 апрельда Сайгона келди.

Бу ерда, Американинг Ҳинди-Хитойдаги урушга аралашини кучайтираётганлиги сабабиди бу генерал Сайонта келган, деб айтмоқдалар.

Миср собик министрлар сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этилди

ҚОҲИРА, 16 апрель. (ТАСС). Матбуотда босилган хабарга қараганда, «рахбарлик қилуши революцион кенгаш» ва Миср ҳукумати шундай қарор қабул қилганики, бу қарорга кўра, ҳозирги вақтда тартибга юборилган Вафд партиясининг, саадчилар партиясининг ва либерал-конституцион партиясининг 1942 йил 6 февралдан 1952 йил 23 июльгача бўлган даврда ҳўжият тепасида бўлган ҳукуматларда министрлик ваифаларини ишғол қилган ҳамма а'золари 10 йил муддатта сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да Ҳамза, 18/IV да кундуз Шоҳи сўзана, кечкурун Гамлет.

НАВОНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да Улуғ канал. Спектакльда: Эзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари Мукаррама Турғунбоева ва Галия Имайлова, Эзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов ва солист Ойница Кучликвалар катнашади. 18/IV да кундуз Доктор Айболит, кечкурун Бўрида.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ёшлар коллективининг гастроллари. Янги attraction — «Муз устида карнавал». Тамоша давомида — қизинг Олег Попов катнашади. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Яшашама кун 3 марта тамоша кўрсатилади.

«РОДИНА» (кечурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кечурун), «ЭЗБЕКISTON» (кечурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечурун) кинотеатрларида — янги раишл бадий фильм Венеция кечаси.

СОБИР РАХИМОВ номли кинотеатр — кундуз Пахтаой.

НАВОНИЙ номли кинотеатр — кундуз Поки қиз, кечкурун Селди тўй.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз Муз устида баҳор.

«ЭЗБЕКISTON» — кундуз Олтин Юлдуз кавалери.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз Цирк майдонида.

Тошкент рассомларининг ҳиссаси



Шу йил август ойида очиладиган Бутуниттифоқ Қишлоқ ҳўжалик виставкаси бейёот социалистик Ватанимизнинг бурча меҳнаткашлари ҳаётида катта қувончли ва тантанали воқиядир.

Бу виставка қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўлга киришган ютуқларининг асоси, балки шакли миллий, маъмулан социалистик ўзбек таъсирини сан'ати, архитектура ва наққошлигининг, Эзбекистон совет рассомларининг ҳам катта байрами бўлади.

Бутуниттифоқ Қишлоқ ҳўжалик виставкасининг Эзбекистон ССР павильонини бадий жиҳатдан безаш устида катта, ижодий коллектив бир йилдан бери самарали иш олиб бормоқда. Икки бригадалар иборат бу ижодий коллективга Эзбекистон рассомлари, архитекторлари ва наққошлари жалб этилган. Булар орасида Эзбекистон ССР халқ рассомлари Эрол Тансиқбоев, Лутфулла Абдуллаев, республикада хизмат кўрсатган сан'ати арбоби А. Аринин ва рассомлар К. Чепрак, Ю. Елизаровлар бор.

Бу ижодий коллектив Совет Эзбекистонига бағишланган тематик композициялар устида қизгин иш олиб бормоқда.

Бутуниттифоқ Қишлоқ ҳўжалик виставкаси Эзбекистон павильонидеги монументал асарлардан бири «Фаргона водиси» деган полотнодир. Бу илгари сан'ат асарининг авторлари республикамизнинг машҳур рассом ва графикларидан Эрол Тансиқбоев, Мухаммад Аринин, Константин Чепраклардир.

Баландлиги етти метрдан ошадиган бу улкан полотнода ўзбек халқининг Совет даврида йирки ирригация кана-

ли қурганди, Фарғонанинг гўзаллиги пафос билан таъсирланган.

Эзбекистон рассомлари яратган 20 дан ортиқ паннода республикада қишлоқ ҳўжалиги ва ирригация қурилиш ишларининг ривожланиши ҳамда қишлоқда социалистик маданиятнинг гуллаб яшнаётганини темалари ўзининг ёрқин бадий ифодасини топган.

Рассом Ю. Елизаров «Колхозчи пахтакорлар делегацияси 1935 йили И. В. Сталин ҳузурда» деган йирки полотно устидаги ишнинг тамошамонидир. Бу аjoyиб асар ҳам Эзбекистон ССР павильонига қўйилди. Бу паннонинг эскизини чизиб ва сюжетини бадий таъсирини восталар орқали ифодалашда Эзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев катта ижодий ёрдам берди.

Бутуниттифоқ Қишлоқ ҳўжалик виставкасининг очилиши Эзбекистонда колхоз тузулишининг порлоқ тантанасини намойиш қилини билан бирга, социалистик воқ'алигининг реалистик полотноларда акс этдираётган шаклан миллий, маъмулан социалистик ўзбек таъсирини сан'ати ютуқларининг ҳам катта байрами бўлади.

Москвадаги Бутуниттифоқ Қишлоқ ҳўжалик виставкасининг Эзбекистон ССР павильони қурулишида. Суратда: Эзбекистон ССР халқ рассоми Эрол Тансиқбоев (биринчи планда), раҳбарлигидаги К. Чепрак, М. Аринин, С. Сириничевлардан иборат Тошкент рассомлари бригадаси Эзбекистонда ирригация ишларининг ривожланиши темасидаги янги бадий жиҳатдан безаш устида ижодий иш олиб бормоқдалар.

О. АПУХТИН.

Мукаррама Турғунбоеванинг ҳисобот концерти

Алишер Навоий номли театр биносида Ҳиндистонга бориб келган совет сан'ати арбобларининг делегацияси катнашчилари Сталин мукофоти лауреати, Эзбекистон ССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ва солист Анвар Бараевларнинг ҳисобот концерти бўлди.

Ҳиндистон ҳўкуматиининг илтимосига асосан совет сан'ати арбобларининг 30 кишиндан иборат махсус бригадаси Ҳиндистонга бориблар ва у ерда 45 кун давомида бирнеча концерт кўрсатдилар. Бригада составида ўзбек халқининг сеvimли сан'аткори ва раққосаси Мукаррама Турғунбоева, талантли артист Анвар Бараев, Озарбайжон артисти Рашид Бейбутов, она-сингиди Фёдоровалар ҳам бор эди.

Делегация Ҳиндистоннинг Бомбай, Дехли, Калькутта, Мадрас, Хайдаробод ва бошқа шаҳарларида бўлди ва ўзбек халқининг юксак сан'атини намойиш қилди. Ҳиндистон меҳнаткашлари совет сан'ати арбобларини аўр муҳаббат ва ҳўрмат билан қутиб олдилар.

Совет сан'ати арбобларининг биринчи концерти Бомбай стадионида бўлди. Бунга 25 миңдан ортиқ киши иштирок қилди. Стадлон Совет ва Ҳиндистон байроқлари билан безатилган эди. Концертдан кейин халқ меҳнаткашлари совет артистларини қўришб олдилар ва уларнинг ҳар қайсиси СССР сан'аткорларига нисбатан

чевила севги ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилдилар. Бир эш хинд шоири Мукаррама Турғунбоева ёнига келиб русча ёзилган «Россия, Мир, Индия» деган хатин берди.

Раққоса Мукаррама ва чилдиригачи Анвар ритмига жиҳатдан жуذا мураккаб бўлган хинд рақси ва музикасини қисқа муддат ичида ўзлаштириб олдилар ва уни хинд артистлари билан биргаликда ижро этдилар. Хинд тамошабинлари хиндча «Утпродеи» рақсини Эзбекистондан келган сан'аткор Мукаррама Турғунбоева ижросида аўр маҳорат билан ижро этилганига қўйиб қолиб, уни узоқ давом этган қарасилар билан табриқладилар. Мукаррама Турғунбоева хиндча «Бхарат-Наттам» деган классик рақсини, «Катта Кали», «Манин-Пурн» ва бошқа рақсларини ҳам ўрганди.

Ўзбек раққосаси хинд сан'аткорларидан Премдхвани ва Салим Чотхури билан биргаликда бирнеча хинд рақсларини ҳам ижро этди. Бу саёхат натижасида Мукаррама Турғунбоева хинд халқидан ўрганган халқ рақсларини моҳирлик билан ижро этиб, ўзбек ва хинд халқлари ўртасидаги абадий дўстликка ўзининг ижодий ҳиссасини қўшмоқда.

Алишер Навоий номли театрда бўлиб ўтган ҳисобот концертида Мукаррама

Турғунбоева яқинда Ҳиндистондан ўрғаниб келган хиндча рақсларни ва ўзбек халқ йўналишини тамошабинларнинг талабларига биноян 3-4 мартадан қайта ижро этди. Айниқса хиндча «Манин Пурн» ва ўзбекча «Пилла», «Пахта», Хорам лавзиси рақслари тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ҳисобот концертида Эзбекистоннинг сан'ат усталаридан Саттор Ярашев, Қарим Зокоров ва бошқа артистлар ҳам иштирок этдилар. Концерт катта муваффақият билан ўтди.

Б. СУЛТОНОВ.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумоти қараганда бугун қундуз Эзбекистон об-ҳаво шартларида ҳаво ўзағирб туради. Ба'зи жойларда бироз ёмғир ёғади. Температура 20—25 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзағирб туради. Бироз ёмғир ёғиб ўтади. Температура 18—20 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

Дайди итларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида

Дайди итларга қарши курашни кучайтириш мақсадида, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети қарор қилади:

1. Тошкент шаҳри доирасида (ҳарбий қисмлар ва МВД органдаридан бошқа) айрим граждандарга, фабрика ва заводларга, шунингдек бошқа ташкилотларга қаршилик ҳамма итлар (коровулли, очки, ўргатилган ва хонаги итлар),